

XI-XII АСРЛАРДА ХОРАЗМДАГИ СИЁСИЙ ҲОЛАТ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТ

ПОЛИТИЧЕСКОЕ ПОЛОЖЕНИЕ И КУЛЬТУРНАЯ ЖИЗНЬ В ХОРАЗМЕ В XI- XII ВЕКАХ

POLITICAL SITUATION AND CULTURAL LIFE IN KHORAZM IN THE 11TH-12TH CENTURIES

Matibayeva RAZIYA BALTABAYEVNA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
Doctor of Historical Sciences, Associate Professor of the
Department «Arabic Language and Literature al-Azhar»

matibaevarb@rambler.ru

11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IAU/2023/1/1

Аннотация. Ушбу мақолада XI–XII асрларда Хоразм Марказий Осиёдаги илм-фан ва маданиятнинг йирик марказларидан бирининг ижтимоий-сиёсий, маърифий-маданий жараёнлари тарихи манба ва тадқиқотлар асосида тадқиқ этилган. Шу даврда кўплаб буюк олимлар фаолият юритганлар. Улар қаторида Абу Саҳл ал-Масихий (ваф. 977-1011 й.), Ибн Мискавайх (ваф. 1030 й.), Абу Райҳон ал-Беруний (973-1048), Абу Наср ибн Ироқ Жаъдий (ваф. 1036 й.), Абу-л Хайр Хаммор (941-1048), Абу Али ибн Сино (980-1037) каби буюк алломалар илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият олиб борганлар.

Буюк Ипак йўли устида жойлашган, йирик тамаддун ўчоқларидан бири, Маъмун академияси ватани – Хоразм қадимдан илмий-маърифий ва маданий марказлардан бири бўлган. «Маъмун академияси» тасодифий ва ўткинчи ҳодиса эмас, балки у Хоразмдаги ижтимоий ҳаёт, иқтисодий ва маданий кўтарилиш ҳамда сиёсий барқарорликнинг инъикоси эди. Хоразмдаги бу илмий уюшма ўша даврдаги катта илмий марказ саналган. Шу боис ҳам илм аҳллари ўзларининг ҳар томонлама билимларини ошириш ва муҳим диний-ижтимоий масалаларни ҳал қилишга хизмат қилувчи асарларини ёзишга муваффақ бўлдilar.

X асрнинг охири XI асрнинг бошларида Хоразмдаги сиёсий осойишталик, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий турмушидаги юксалиш ҳамда хоразмшоҳ маъмунийларнинг илм аҳлига бўлган ҳурмат-эътибор, меҳр-муруввати ўша даврнинг энг машҳур ва кўзга кўринган олимларининг Гурганчда тўпланишига сабаб бўлган. Шу даврда ҳукмронлик қилган хоразмшоҳлар мамлакат илм-фани ривожини учун катта ҳисса қўшдилар.

Хоразмнинг милoddan аввалги II минг йилликдан бошлаб ушбу минтақадаги йирик маданият марказларидан бири бўлиб келгани боис, Араб халифалиги

бу ерни забт этиб, имкон қадар кўпроқ ўз тасарруфидида сақлашга ҳаракат қилган. Аммо XII асрда Хоразм Бағдод халифалигига қарашли ерлардан ҳисобланса-да, Мовароуннаҳрда ўзининг кучли таъсирига эга эди. Бунда хоразмшоҳларнинг ўрни таъсирли бўлди.

Мақолада Хоразмшоҳлар тарихида фақат ўзининг манфаатларини ўйлаб, жамиятнинг фикри билан мутлақо қизиқмайдиган ва бу ҳақда бош қотирмайдиган, халқнинг аҳволига ачинмайдиган, узоқни кўра олмайдиган айрим иқтидорсиз давлат бошлиқлари фаолияти оқибатида мамлакат гирифторм бўлган аянчли тарихий факт ва маълумотлар ҳам ёритилган.

Калит сўзлар: Мовароуннаҳр, Хоразм, XI–XII асрлар, хоразмшоҳлар, Маъмун академияси, сиёсий ҳолат, маданий ҳаёт, илм-фан.

Аннотация. В XI–XII веках Хорезм был одним из крупнейших центров науки и культуры в Центральной Азии. В этот период в этом регионе Узбекистана жили многие великие ученые. Среди них Абу Сахл ал-Масихи (ум. 977-1011), Ибн Мискавайх (ум. 1030), Абу Райхан аль-Беруни (973-1048), Абу Наср ибн Ирак Джади (ум. 1036), Абу-л Хайр Хаммар (941-1048), Абу Али ибн Сина (980-1037) были активны во всех областях науки в их время.

Расположенный на Великом Шелковом пути, одном из главных очагов цивилизации, родина Академии Маъмуна – Хорезм долгое время был одним из научно-образовательных и культурных центров. «Академия Маъмуна» была не случайным и мимолетным явлением, а отражением общественной жизни, экономического и культурного подъема в Хорезме, а также политической стабильности. Поэтому это значимое научное объединение в Хорезме считалось крупным научным центром того времени. Таким образом, люди науки смогли написать свои труды, которые послужили улучшению их всесторонних знаний и решению важных религиозных и социальных вопросов.

Политическая обстановка в Хорезме в конце X - начале XI века, подъем в экономической и социальной жизни страны, а также уважение и привязанность хорезмшахов к людям науки стали причиной сбора самых известных и выдающихся ученых того времени в Гурганче. Хорезмшахи, правившие в этот период, внесли большой вклад в развитие науки страны.

Поскольку Хорезм был одним из крупных культурных центров в этом регионе со II тысячелетия до нашей эры, арабский халифат завоевал эту землю и попытался удерживать под своим контролем как можно большую ее часть. Но в XII веке Хорезм считался одной из земель, принадлежащих Багдадскому халифату, Мовароуннахр имел свое собственное сильное влияние. Большую роль в этом сыграли хорезмшахи.

Надо отметить, что в истории хорезмшахов можно наблюдать также печальные результаты деятельности некоторых некомпетентных глав государств, думавших только о своих интересах, совершенно не интересовавшихся мнением общества и не сочувствовавших положению народа.

Ключевые слова: Моваруннахр, Хорезм, XI–XII века, Хорезмшахи, Академия Маъмуна, политическая ситуация, культурная жизнь, наука.

Abstract

In this article, the history of socio-political, educational and cultural processes of Khorezm, one of the major centers of science and culture in Central Asia in the XI-XII centuries, is researched based on sources and research. During this period, many great scientists lived in Uzbekistan. Among them, Abu Sahl al-Masihi (d. 977-1011), Ibn Miskawayh (d. 1030), Abu Rayhan al-Beruni (973-1048), Abu Nasr ibn Iraq Jadi (d. 1036), Abul Khair Hammar (941-1048), Abu Ali ibn Sina (980-1037) were active in various fields of science.

Khorezm which is located on the Great Silk Road, one of the main centers of civilization, and the birthplace of the Mamun Academy - has long been one of the scientific, educational and cultural centers. The "Mamun Academy" was not an accidental and fleeting phenomenon, but a reflection of social life, economic and cultural upsurge in Khorezm, as well as political stability. This scientific organization in Khorezm was considered a large scientific center of that time. That's why scholars were able to write works that serve to increase their comprehensive knowledge and solve important religious and social issues.

At the end of the 10th century, at the beginning of the 11th century, the political stability in Khorezm, the development in the economic and social life of the country, as well as the respect and kindness of the Khorezm-Shah mamunis to the people of science caused the gathering of the most famous and outstanding scientists of that time in Gurganch. Khorezmshahs, who ruled during this period, made a great contribution to the development of science in the country.

Since Khorezm was one of the major cultural centers in this region since the 2nd millennium BC, the Arab Caliphate conquered this land and tried to keep as much of it under its control as possible. Although in the XII century, Khorezm was considered to be one of the lands belonging to the Baghdad caliphate, Movarunnahr had a strong influence. The Khorezmshahs played a big role in this.

In the history of Khorezmshahs, the sad historical facts and information about the ruin of the country which happened due to the activities of some incompetent heads of state, who thought only about their own interests, did not care about the opinion of the society, did not sympathize with the people's condition, are also highlighted in the article.

Keywords: Movarunnahr, Khorezm, 11th-12th centuries, Khorezmshahs, Mamun Academy, political situation, cultural life, science.

КИРИШ

Хоразмда XI–XII асрлар ҳукмрон сулола бўлган Ануштегин ва унинг ўғиллари томонидан барпо этилган Хоразмшоҳлар давлати даврига тўғри келади. Хоразм ўрта аср туркий-ислом давлатлари билан қиёсланганда ўзига хос ва

алоҳида мавқега эга бўлган. XIII аср бошлари – Хоразмнинг гуллаб-яшнаган даври бўлганини айтиб ўтиш билан бир вақтда унинг ўзига хослиги қаторида ўша давр мусулмон дунёсининг чекка ҳудудларидан ҳисобланувчи давлат эканини қайд этиш керак. Айни пайтда ушбу давлатнинг тараққиёти асносида бошидан кечирган ўзгаришлар ва қўшинининг таркибий тузилиши билан боғлиқ баъзи хусусиятларни зикр этиш мумкин.

Ануштегин туркий мамлуклардан (Bosvort, 1971:24) бўлиб, ўзининг зийраклиги ва тадбиркорлиги билан тез орада катта нуфузга эга бўлган. У хожалари – Салжукийларга садоқат билан хизмат қилиш орқали ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олади. Унинг фарзанди Қутбуддин Муҳаммад отасининг ишини давом эттириб, ўз навбатида Алоуддавла Абу-л-Музаффар Отсиздек Хоразм тарихида ўзига хос из қолдирган ўғлини давр талабаларига жавоб берадиган инсон қилиб тарбиялайди. Хоразмшоҳ Отсиз салжукийларга итоатда бўлиш билан бирга бир қатор ҳаракатлари орқали Хоразмни мутақилликка олиб чиқишга бўлган хоҳишини акс эттиради. У мансаб пиллапоёларида кўтарилиб бориб, Султон Маликшоҳ I (1072-1092) нинг яқин кишиларидан бирига айланади (Buniyatov, 1986:76).

УСЛУБЛАР

Тадқиқот мавзусини ёритишда буюк алломаларимиз ҳаёти ва уларнинг бой илмий-маънавий меросларини чуқур ўрганиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев маърузаларида илгари сурилган кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда ёзма манбаларни ҳолис, тарихий-қиёсий, мантикий таҳлил қилиш, диний бағрикенглик ва халқ урф-одатларига ҳурмат билан ёндашув, фалсафа ва диншуносликка оид феноменологик ҳамда психологик тадқиқот услубларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ

Сиёсий ҳолат. Сомонийлар (819-1005) даврида Хоразм уларга тобе бўлган. Мазкур сулола ҳукмронлигидан сўнг – X аср охири ва XI асрнинг бошларига келиб Хоразм ҳокими Маъмун I (992-997) ва унинг ўғли Али ибн Маъмун (997-1009) сўнг мустақил давлат тузишга ҳаракат қиладилар. Лекин Хоразм давлати Мовароуннаҳрдаги Қорахонийлар (992-1211) ва Хуросондаги Ғазнавийлар давлати (977-1186) олдида жуда кучсиз бўлгани боис, қўп

жихатдан Махмуд Ғазнавий (998-1030) ва унинг ўғли Масъудга (1031-1041) қарам бўлишади (Zinatullayev Z., 2022:1071-1076). Ғазнавийлар давлатининг инкирози ва Хуросонда Салжукийларнинг ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин Хоразм давлати дастлабки йилларда мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилган бўлса-да, тез орада Салжукийларга қарам бўлиб қолади.

Хоразмшоҳлар Хасрдан анча олдин Амударёнинг юқори оқими билан Шимолий Ҳиндистон орасидаги ерларда, Гур, Гаржистон кенгликларида ҳукм сурган Ғазнавийларнинг қўшинида муҳим роль ўйнаганликлари ва ке- йинроқ Гур султонларига хизмат қилганликлари маълум (Bartold V., 1963:45).

Хуросон волийси Хабаший ибн Олтинтоқ исён қилгани сабабли қатл этилгач (Bartold, 1963:48), Хуросонга мутлақ ҳоким бўлган Султон Санжар Хоразмшоҳ Қутбуддин Муҳаммад ибн Ануштегинни Хоразмга ҳоким қилиб тайинлайди.

Ануштегин вафотидан сўнг (1097 й.) унинг ўрнини ўғли Қутбуддин Муҳаммад (1097-1127) эгаллайди ва у «Хоразмшоҳ» лақабини олади. У отаси ҳаётлиги давридаёқ Хуросон пойтахти Марвда адаб ва диний билимлардан яхши таҳсил олган, одоб ва сиёсат усуллари яхши ўзлаштирган бўлиб, ҳам кучли бошқарувчи, ҳам илм ва динга ҳомийлик қилувчи зиёли шахс бўлган. Тарихчи олим Ибну-л-Асир ўз асарида унинг адолатли ҳукмдор бўлганини зикр этади (İbrahim Kafesoğlu, 1996:43).

Қутбуддин Муҳаммад Хоразм ҳукмдори бўлгач, ўзини салоҳиятли раҳбар, уламо ва дин вакиллариининг раҳнамоси сифатида намоён қилди. У қўл остидагиларга нисбатан адолатли бўлгани учун уни атрофидагилар яхши кўрар, ҳурмат қилар ва номини улуғлар, у ҳар томонлама қобилиятли бўлгани боис уни илм ва дин аҳли яхши кўрар эди. Зеро, Қутбуддин Муҳаммад уларга яқин киши эди (Buniyatov, 1986:155).

Хоразмнинг мустақил давлат сифатида шаклланишида кўп хизмат қилган ҳукмдор Қутбуддин Муҳаммаднинг ўғли Абу-л-Музаффар Отсиз (1127-1156) ҳисобланади.

Отсиз отаси каби ўқимишли киши бўлиб, илм-фаннинг ҳомийси эди. У ислом динининг Хоразм ва унинг атрофида ёйилишига ўзининг катта ҳиссасини қўшган. Жувайний ва Авфий каби тарихчиларнинг маълумотларига кўра, хоразмшоҳ Отсиз форс тилида шеърлар битадиган, рубоийлар ёзадиган, адаб ва шеърят илмларидан ҳам бохабар фозил кишилардан бўлган.

1097-1157 йилларда хоразмшоҳ Отсизнинг Шарқий Эронда ҳукмронлик қилган, 1118 йилдан кейин Салжукийлар уруғининг улуғ султони бўлиб

қолган Муиззуддин Санжардек (Bosvort, 2007:64) қудратли ҳукмдорга қарам бўлгани асносида мустақил хоразмшоҳлар давлати пойдеворини яратиш йўлидаги интилишлари таҳсинга сазовордир. Шу жихатдан Отсизнинг ҳукмронлик йилларини икки даврга бўлиш мумкин: Султон Санжарга садоқат билан хизмат қилган даври (1135 йилгача) ва унга қарши исён қилган даври (1135 йилдан кейин) [İbrahim Kafesoğlu, 1992:43].

Салжукий Султон Маликшоҳ I даврида Хоразмнинг ҳукмдори бўлган Ануштегиннинг невараси Отсиз ўзи тобе бўлган Салжукий султонларининг ҳар бир хатосидан усталик билан фойдаланади. Дипломат ва моҳир саркарда бўлган Отсиз мустақил ташқи сиёсат олиб борган. У Хоразм ерларини анча кенгайтириб, Устюрт текисликларини, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерларни ва Манғишлоқни босиб олади (Bartold, 1963:345).

Академик В.Бартольд Абу-л-Музаффар Отсиз томонидан Жанднинг забт этилиши билан Туркистоннинг ичкарасига томон амалга оширилган сафар ниҳоясида «кофирлар орасида катта шухратга эга бўлган малик ва шоҳларга қарши» қўлга киритилган зафарни ушбу даврга боғлайди (Bartold, 1963:347).

Жанд ерлари, Орол кўли атрофидаги ҳарбий ҳаракатлар ҳам мана шу даврларда амалга оширилган бўлган.

Хоразмшоҳ Отсиз бир неча бор (1138, 1141-1142, 1147-1148) Султон Санжарга қарши исён қилади ва мағлубиятга учраб, Салжукийларга бутунлай тобе бўлиб қолади. Лекин шунга қарамасдан, у Хоразмнинг мустақиллиги учун мустаҳкам асос ярата олади (Bartold, 1964:76).

Султон Санжарнинг ўлиmidан сўнг (1157 й.) Салжукийлар давлати деярли йўқ бўлади ва Хоразмнинг мустақил давлат сифатида сиёсат олиб бориш учун кенг йўл очилади.

Абу-л-Музаффар Отсизнинг ўлиmidан (1156 й.) сўнг ўғли Абу-л-Фатҳ Эл-Арслон (1156-1172) тахтга ўтиради. У давлатни отасига қараганда анча қулай вазиятда бошқаради ва Хуросондаги воқеалардан фойдаланиб, Каспий бўйидаги Дехистон худудини босиб олишга эришади. Эл-Арслон отаси даврида Хоразмга бўйсундирилган кўчманчи туркман ва кипчоқ қабилалари ёрдамида Мовароуннаҳрнинг ички ишларига ҳам тез-тез аралаша бошлайди ҳамда 1158 йилда у катта қўшин билан Мовароуннаҳрга бостириб киради. Бу вақтда Қорахитойларга вассал бўлган Қорахонийлар кўчманчи Қарлук қабулалари билан жанг олиб бораётган бўлган (Bartold, 1963:367).

Эл-Арслон Қарлуқларга Бухоро ва Самарқанд учун олиб борган жангларда ёрдам беради. Лекин Қорахитойлар қўшинлари ёрдамга етиб келиши билан Эл-Арслон Хоразмга қайтишга мажбур бўлади. У бир неча марта Хуросонга юриш қилган бўлса-да, муваффақиятга эриша олмайди. 1171-1172 йилларда қорахитойларнинг катта қўшини Хоразмшоҳнинг ўлпонни ўз вақтида тўламаётганини баҳона қилиб, Хоразмга юриш қилади. Эл-Арслоннинг буйруғи билан Сирдарёдаги катта тўғон бузиб ташланади ва катта майдон сувга бостирилади. Бу Қорахонийлар қўшини юришини қийинлаштиради ва Хоразмнинг пойтахти Гурганжни талон-тарож қилинишдан сақлаб қолади (Bartold, 1963:378).

Лекин Қорахонийларнинг 1172 йилдаги босқини даврида Эл-Арслон вафот этади ва ундан кейин Хоразм тахтини унинг кичик ўғли Султоншоҳ эгаллайди. Эл-Арслон вафот этган вақтда Текиш одатда валиахд сифатида бош ўғил бошқарадиган Жанд водийсига волий бўлган. Кичик укаси Султоншоҳнинг онаси Туркон Хотун бундан фойдаланиб, ўғлини Хоразм тахтига ўтқазади ва бошқарувни ўз қўлига олади. Янги Хоразмшоҳга байъат қилиш учун пойтахтга чақирилган Текиш Жандга юборилган элчилардан юз ўгиради, пойтахтга бормаслигини маълум қилади ва ўзини ҳақ билиб, Султоншоҳни тан олмаслигини эълон қилади. Бунга жавобан Туркон Хотун Текишни мажбуран итоат эттириш мақсадида унга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлашга буйруқ беради.

Бу эса Текишнинг мамлакатни тарк этишига олиб келади. Текиш энг яқин ва кучли қўшниси Қорахитойларнинг олдида борди, улардан мадад сўрайди. Унга Қорахитойлар аскарлар билан ҳарбий кўмак берганлари тақдирда тўлаб келинаётган божни мунтазам ва узлуксиз ҳамда ошиғи билан тўлаб боришга ваъда беради. Машҳур Гурхоннинг қизи у пайтлар Қорахитойлар давлатини бошқараётган бўлган. Қўшин идораси унинг эри Фуманинг[□] ихтиёрида бўлган. Қорахитой қироличаси эрини катта қўшин билан Текиш бошчилигида Хоразмга жўнатади. Улар Гурганжга етиб борганларида ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмаган Туркон Хотун ва ўғли Султоншоҳ Хуросонга чекинишга мажбур бўладилар. Урушсиз шаҳарга кирган Текишнинг расман Хоразмшоҳ деб эълон қилиниши халқ ва аскарлар томонидан хайрихоҳлик билан қарши олинади (1173 йил 10 январь).

Шундан сўнг, Алоуддин Текиш (1172-1200) Хоразмда маҳкам ўрнашиб, қорахитойларга ваъда берган ўлпонни тўлашдан бош тортади. Бунга жавобан қорахитойлар Хоразмга яна юриш қиладилар, лекин муваффақиятсизликка учраб,

Султоншоҳ ихтиёрига бир кичик қўшин қолдириб, ўзлари орқага қайтадилар. Султоншоҳ мазкур қўшин билан Марв, Сарахс ва Тусни эгаллайди.

Қорахитойларнинг муваффақиятсиз юришларидан кейин, Текиш ўз давлатини янада мустаҳкамлайди ҳамда Мовароуннаҳр ва Хуросонга бир неча бор ҳарбий юришлар уюштиради. У Мовароуннаҳрни эгаллай олмаган бўлса-да, Хуросоннинг бир неча туманларини босиб олади. Лекин Хоразмшоҳ Текишнинг Хуросонда кучли ва хавфли рақиби тобора кучайиб бораётган Ғурийлар давлати бор бўлган. Ғур вилояти ҳозирги Афғонистондаги Херируд дарёси бўйида, Ҳиротдан Балхгача, Кобулдан Ғазнагача чўзилган вилоят бўлиб, бу ерда асосан форсий қабилалар яшаган. Сўнгги Салжукийлар даврида Ғур вилояти ўз мустақиллигини анча мустаҳкамлаб олган бўлган.

1150-1151 йилларда Ғурийлар Султони Ғиёсуддин Муҳаммад Алоуддин Ғазнавийлар сулоласи султони Баҳромшоҳ устидан ғалаба қозониб, Ғазна шаҳрини вайрон қилган. Ғазнавийларга сўнгги зарбани 1171-72 йилларда Ғурийлар Султони Ғиёсуддин Муҳаммад беради ва маълум вақт ҳозирги Афғонистонни ҳамда Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларини ҳам эгаллаб туради. Хуросонда Салжукийларнинг кучсизланганидан фойдаланиб, у 1175 йилда Ҳиротни эгаллайди ва Хуросоннинг марказий ҳудудларига ҳужумлар уюштириб туради.

Қорахитойларнинг вассали ҳисобланган Хоразмшоҳ Текиш эса Хоразмни қорахитойлар қўлидан қутқариш учун катта куч сарфлашга мажбур бўлади. Фақат XII асрнинг 80-йилларида у Хуросонда баъзи бир ютуқларни қўлга киритади. 1187 йилда Текиш Нишопур, 1192 йилда Рай ва 1193 йилда Марв шаҳрини эгаллайди. Текиш қўшинлари Бағдод халифаси Наср (1180-1225) ва Ғарбий Салжукийлар Султони Тўғрул II ўртасидаги низодан фойдаланиб, 1194 йилнинг март ойида Тўғрул II га қарши уруш очади ва уни енгиб, Ҳамадон шаҳрини эгаллайди. Тўғрул II нинг ўзи жангда ўлдирилади.

XII аср Салжукийлар босқини билан боғлиқ ҳодисаларнинг оғир оқибатларидан тез орада ўзини тиклаб олган Хоразм сиёсий қудратининг аста-секинлик билан аммо зўр бериб юксалиши даври бўлди (Buniyatov, 1986:78).

Эл-Арслон замонида давлат ўзининг камолот ёшига етади. Бу юксалиш жараёнини давом эттирган Алоуддин Текиш сулоланинг энг сара сиймоларидан бири бўлган. Йигирма йилга яқин тахтга даъвогар бўлиб, қўшни рақиб ҳукуматлар тарафидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланган укаси Султоншоҳ билан машғул бўлиб қолишига қарамай, Султон Текиш аввало ўзининг мувозанатли сиёсати,

юксак заковату жасорати ҳамда ташкилотчилик ва бошқарувчилик қобилияти орқали давлатини императорлик даражасига кўтарди, Ислом динини ёйиш йўлидаги ғайрати туфайли мусулмон бўлмаган туркий уруғларни бу динга киритишга ҳаракат қилади, натижада тарқоқ ва ўтроқ кучлардан қудратли қўшин тузади (Gafurova I., 2020:329-334). Алоуддин Текишнинг ҳукмронлик йиллари ўзининг осойишта бошқаруви, яхши шаклланган қўшини ва бунга мувофиқ равишда жамиятнинг тараққий топган илму ирфон ҳаёти билан Хоразмшоҳлар давлатининг энг гуллаб-яшнаган даври бўлганига шубҳа йўқ.

Зикр этилгандек, Текиш, гарчи ҳеч қандай курашларсиз тахтга ўтирган бўлса ҳам, ҳақиқий курашлар кейинроқ бошланди ва узоқ йиллар давом этди. Гурганжни тарк этган Туркон Хотун ва ўғли Султоншоҳ Маҳмуд аввало хоразмшоҳларнинг Мозандарон (Tokhtiev, Sh., 2022:1068) билан дўстлик алоқаларига ишониб, Заҳируддин Маръашийга кўра, ёнларида 3-4 минг хоразмлик бўлгани ҳолда 1163 йилда вафот этган Шоҳ Ғозийнинг набираси Исфохбод Ҳусомуддавла Ардашер ибн Алоуддавла Ҳасанга мурожаат қилиб, ёрдам беришни сўрадилар.

Исфохбод уларни ўзгача шаклда кутиб олишга тайёрланар экан, Хоразмшоҳлар оиласининг ички низо ва бўлинишларидан фойдаланиб қолишни ўйлаган Муайяд Ай-аба тезда келиб, Султоншоҳни Деҳистондан топади ва уни Мозандаронга бориш фикридан қайтариб, Хуросонга олиб боради (Buniyatov, 1986:82).

Марв ва унинг атрофларига ҳукмронлик қилганидан ташқари, Рукнуддин Маҳмуд ҳукуматида барҳам бергани ва бир муддат ўз номига хутба ўқитгани маълум бўлган (Buniyatov, 1986:84) Хуросон ҳукмдори Муайяд Ай-аба Ҳиротни ҳам истило этганидан 47 йил кейин ўғулларнинг парчаланиши ва қисман Ғазна ерларини ҳам эгаллаши натижасида Хуросондаги энг муҳим кучга айланади.

Туркон Хотун Хоразм хазинасидан ўзи билан олиб кетган бир қанча мол-мулк ва жавоҳирларни Муайядга тақдим қилиб, Текишга қарши кураша олгани тақдирда яна қўшимча бойлик беришга ваъда қилади. Бундан ташқари Хоразм аҳолиси ва қўшини уларнинг тарафида эканини айтиб, уни алдайди (Buniyatov, 1986:86).

«Ғурурланган ва мулк ҳирси билан шайтон иғвосига учган» Ай-аба Султоншоҳ билан биргаликда аввал Мозандаронга кичик қўшин билан келади. Исфохбод Ҳусомуддавла Ардашерга баъзи талабларни қўяди. Астрободда Боламон қалъасини ишғол қилади. Муайяднинг асл мақсади

Султоншоҳнинг мажбурияти ва хусусан, хоразмлик аскарлардан фойдаланиб, ўз тасарруфига қўшимча ерлар киритиш экани маълум бўлган. Аммо Туркон Хотуннинг қистовлари ва айтиб ўтилган моддий тортиқлар туфайли Табаристондан қайтади ва қўшинни тўплаб, ёнидаги Султоншоҳ ва унинг онасига тожу тахтни олиб беришни ҳамда ўзининг манфаатларини кўзлаб йўлга чиқади.

Муайяд қисқа вақт ичида Хоразмга етиш учун Марв ва Насо орасидан юриши ва Қоракум чўлини кесиб ўтиши лозим бўлган. Йўл машаққати, хусусан, сув танқислиги сабабидан қўшини тарқоқ ҳолда юришда давом этарди. Гуруҳлар чўлнинг Амударё томонидаги чегараси бўлмиш Хоразмнинг 20 фарсах¹ жанубидаги Субарли мавзесида бирлашишлари керак бўлган. Холбуки, Ай-абанинг бу ҳаракатларини Исфохбоддан билиб олиб, ўз тадбирини кўрган Текиш ундан аввалроқ Субарлига келган ва аскарларини чўлдан чиқиш нуқтасининг турли ерларига пистирма қилиб жойлаштирганди. Ай-абанинг бу тайёргарликдан хабари йўқ бўлган. Олдинги гуруҳ бошида Субарлига кириши билан кутмаганида хоразмликларнинг хужумига учрайди, кучларининг кўпи маҳв қилингани учун ўзи ҳам асир тушади. Хоразмшоҳнинг ҳузурига келтирилади ва (Арафа куни, 1174 йил 11 июл) омманинг кўзи ўнгида ўлдирилади (Buniyatov, 1986:86).

Туркон Хотун билан ўғли Султоншоҳ Деҳистонга қочадилар. Текиш уларнинг изидан таъқиб қилиб бориб, шаҳарни забт этади ва асир тушган Туркон Хотунни ўлдиради. Муҳолифларнинг муҳим унсури бартараф қилинган бўлса-да, қўлга тушира олмаган укаси Султоншоҳ қочади ва отасининг ўрнига ҳукмдор бўлган Муайяднинг ўғли Тўғоншоҳ Абу Бакрдан илтижо ила ёрдам сўрайди. Аммо Хуросон қўшинининг Хоразмга юриш қилиб, мағлубиятга учраши оқибатида кучлари озайган Тўғоншоҳдан етарли ёрдам ололмаслигини англаган Султоншоҳ Гур ҳукмдорининг ҳузурига кетади.

Ислом бир томондан Ғарбда Ҳазар-Орол шимолига ва Еттисув шарқига қараб кенгаяр экан, иккинчи томондан, Эрон ва Мовароуннаҳр (Samatkhonovich, G. S., Ashurovich, K. M., & Murodjon Ugli, A. M. M., 2021:6735) халқи ягона мусулмон ҳукмдор назорати остида бирлаша бошлаган бўлган. Бунинг сабаблари Хуросон забт этилиб, салтанатнинг асосий таркибига айлантирилгани, Мозандарон ҳам босиб олингани ва Эрон Салжуқийлар давлати қулагани бўлган.

Ташкилотчилиги бенуқсон ва қўшини мукамал Хоразм эса Яқин Шарқ-Шимол ва Узоқ Шарқ ўртасида биринчи даражали тижорат маркази бўлган.

¹ Фарсах – ўлчов бирлиги, 6 ёки 7-8 километрга тенг.

Ва айна пайтда бу ерда сиёсий, аскарий ва иқтисодий жиҳатдан барча имконга эга давлат тузилган бўлган. Муҳаммад Хоразмшоҳ отаси Султон Текишдаги сиёсий қараш ва бошқарувчилик туфайли эришилган имкониятлардан муносиб фойдалана олмайди. Отаси томонидан иншо этилиб, онаси Туркон Хотуннинг тадбири ва аҳамияти туфайли яшаб келаётган қўшин билан устма-уст порлоқ ғалабаларни қўлга киритиш, ўлкаларни босиб олиш баробарида тез суръатлар билан кенгайиб бораётган империяни бошқаришга ва уни ўзгарган шароитларга мослаштиришга ожизлик қилади.

Маданий ҳаёт. Шу билан бирга XI асрнинг биринчи ярми Хоразмда илм-фаннинг гуллаган даврига тўғри келганини зикр этиш даркор. Бухорода Сомонийлар ҳукми қулагач, унга қарам бўлган ва илгарилари ярим мустақил бўлган Хоразм бутунлай мустақил бўлиб қолади. Чунки Қорахонийлар кучайиб келаётган Ғазна ҳукмдори Маҳмуд Ғазнавий билан беллашиб, мадори қуригани сабабли Хоразмни бошқаришга қудрати етмас эди. Бу уруш ва турли таҳдидлардан холи бўлган Хоразмда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва иқтисодий аҳволнинг бирмунча яхшиланишига шароит яратади. Шунинг оқибатида бу ерда маданий-маърифий аҳвол ҳам анча яхшиланади.

Бунинг асосий шарт-шароитлари сифатида Сомонийлар (Ganiyev, A., & Zinatullayev Z., 2020:313-317) ҳукмронлигига барҳам берган Қорахонийлар ҳужумидан Хоразм ўз табиий шароитига кўра ҳам илк даврда бирмунча тинч бўлганини таъкидлаш жоиз. Шу сабабли бу ерда маданий-маърифий ишлар анча йўлга қўйилган ва шоҳ саройи теварагида жуда кўпгина олим ва фозил кишилар тўпланган бўлган. Хусусан, шу даврда Хоразмда Абу Саҳл ал-Масихий (ваф. 977-1011 й.), Ибн Мискавайх (ваф. 1030 й.), Абу Райҳон ал-Беруний (973-1048), Абу Наср ибн Ироқ Жаъдий (ваф. 1036 й.), Абу-л Хайр Ҳаммор (941-1048) каби буюк алломалар илм-фаннинг ўз вақтидаги барча соҳаларида фаолият олиб борганлар. Тахминан 1005 йилда улар қаторига Бухородан келган буюк заковот соҳиби Абу Али ибн Сино (980-1037) ҳам келиб қўшилади.

Маъмунийлар давлати (992-1017) тарихи билан бевосита боғлиқ бўлган Хоразмда ўша давр олимларини жамлаган «*Маъмун академияси*» деб аталган илмий-маърифий марказнинг пайдо бўлиши заминида ана шу ҳақиқат ётар эди. «Маъмун академияси» тасодифий ва ўткинчи ҳодиса эмас, балки у Хоразмдаги ижтимоий ҳаёт, иқтисодий ва маданий кўтарилиш ҳамда сиёсий барқарорликнинг инъикоси эди. Хоразмдаги бу илмий уюшма

ҳозирги тушунчадаги академияга мос келмаса-да, ўша даврдаги катта илмий марказ саналган. Ибн Синонинг таъкидлашича, бу ерда илм-фанни севувчи Абу-л-Хусайн ас-Саҳлий вазир бўлган.

X асрнинг охири XI асрнинг бошларида Хоразмдаги сиёсий осойишталик, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий турмушидаги юксалиш ҳамда хоразмшоҳ маъмунийларнинг илм аҳлига бўлган ҳурмат-эътибор, меҳр-муруввати ўша даврнинг энг машҳур ва кўзга кўринган олимларининг Гурганчда тўпланишига сабаб бўлган.

X аср охири – XI асрларда ҳукмронлик қилган хоразмшоҳлар мамлакат илм-фани ривожига учун катта ҳисса қўшдилар. Улар орасида 992 йили Гурганчда ҳокимиятга келган янги амир Абу Али Маъмун, унинг ўғли Абу-л-Ҳасан Али ибн Маъмун (999-1009) ва ундан кейин ҳокимиятга келган Абу-л-Аббос Маъмун ибн Маъмун (1009-1017) ўз саройларида илм аҳли учун қулай шароит яратиб берадилар. Сарой вазирлиги бўлган Абу-л-Хусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ас-Саҳлийнинг илм, адабиёт, шеърят ва умуман, илму фанни кадрловчи киши бўлгани хоразмшоҳлар саройидаги илмий давранинг янада кенгайишига олиб келади. Шу даврда хоразмшоҳлар саройида илмий муассаса – «Маъмун академияси» вужудга келади (Abduhalimov B., 2005:5).

Хоразмшоҳлар мулкани ғазнавийлар босиб олганига қадар бу академия ўз ишини давом эттиради (Bosvort, 2007:78). Абу Райҳон ал-Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Ибн Сино билан учрашувидан олдин бўлган ёзишмаларини эслаб ўтган. Айнан ана шу ёзишмалар ҳам Ибн Синонинг Хоразмга ташриф буюришига сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Мазкур икки олим ҳам айнан мана шу даргоҳда илмий фаолиятларини давом эттирдилар.

Илм аҳли фан билан шуғулланиш билан бирга сиёсий муаммоларни ҳал қилишда ҳам ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Жумладан, ал-Берунийнинг 1014-1017 йиллар мобайнида Маъмун ибн Маъмун ва Султон Маҳмуд Ғазнавий (998-1030) орасида юзага келган кескинликни юмшатишга қилган ҳаракатлари ўзининг ижобий натижаларини берган (Bosvort, 1971:78). Султон Маҳмуд 1017 йилда Хоразм устидан ҳукмронликни қўлга олганига қадар Маъмун академияси ўз фаолиятини давом эттиради. Кейинчалик бу ердаги олимлар Султон талабига кўра Ғазнага, баъзи олимлар эса бошқа ўлкаларга тарқалиб кетадилар (Abduhalimov B., 2005:5).

Маъмун академияси қисқа муддат фаолият юритган бўлса-да, бу ерда астрономия, математика, табобат, кимё, география, минералогия каби табиий

фанлар билан бир қаторда тарих, фалсафа, адабиёт, тил, ҳуқуқ ва бошқа ижтимоий фанлар ҳам ривож топади (Irisov A., 1980:57-58).

Абу Али Ибн Сино йигирма тўрт ёшида ақлий, нақлий ва риёзий илмларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиб, Бухорода олимлар билан тортишиб, уларни мот қилган. Кейин Хоразмга бориб, етти йил давомида у ерда дарс ўқитган (Irisov A., 1980:57-58).

Хоразмшоҳлар саройида табобат билан шуғулланган олимлар жумласига Абу Саҳл ал-Масихий, Абу-л-Хайр Хаммор, Ибн Сино ҳамда ал-Берунийларни киритиш мумкин. Математика соҳасида унинг номи билан аталган «Хамморий теоремаси»нинг муаллифи бўлмиш Абу-л-Хайр Хамморнинг табобат соҳасида «Иккинчи Гиппократ» деган номга сазовор бўлиши бу олимнинг юксак иқтидоридан далолат беради. Абу-л-Хайр Хаммор кўпроқ тиббнинг назарий масалалари билан шуғулланган бўлиб, ўз асарларида анатомия, қариялар парҳези, табибларнинг синаш усуллари, озиқ моддалар ва эпилепсия масалаларини баён қилган. Абу Саҳл ал-Масихий Хаммордан фарқли ўлароқ, амалий табобат ва тиббий таълим бериш билан шуғулланган (Abduhalimov B., 2005:5).

Маъмун академиясида Абу Саҳл ал-Масихий каби христиан олимларининг фаолият юритгани мамлакатда диний бағрикенглик руҳининг устувор бўлганидан дарак беради (Irisov A., 1980:57-58).

Академияда фанларнинг назарий қоидалари амалий тажрибалар асосида амалга оширилган. Астрономия соҳасида олиб борилган тажрибалар натижасида аввалги олимлар томонидан тузилган астрономик жадвалларга тузатишлар киритилди, астрономик асбоблар яшаш, юлдузлар координатларини ҳисоблаш бўйича изланишлар олиб борилади. Ал-Беруний 1004 йилнинг июн ойида Ой тугилишини кузатади.

Академияда математика бўйича олиб борилган ишлар Абу Мансур ибн Ироқ, ал-Беруний ва Абу-л-Хайр Хамморларнинг исмлари билан боғлиқ. Ал-Берунийнинг устози Ибн Ироқ математика ва астрономияга оид 30га яқин асарлар ёзади. Ал-Беруний қаламига мансуб 150га яқин асарлар орасида астрономия ва математикага оидлари салмоқли ўринни эгаллайди. Тенг ёнли учбурчакларга оид бир теорема, уни исботлаган муаллифи, яъни Абу-л-Хайр Хамморнинг номи «Хамморий теоремаси» («аш-Шакл ал-Хамморий») номи билан машҳур бўлган (Abduhalimov B., 2005:7).

Хоразмда аниқ фанлар қаторида ал-кимё, тиббиёт, география, гидрология, минералогия, шунингдек, ижтимоий фанлар сафида фалсафа, тарих фанлари ҳам ривож топади (Sodikov J., 2022:1064-

1067). Шу билан бирга олимлар бадий ижод ва адабиётшуносликка ҳам алоҳида эътибор берганлар. Ўша даврнинг кўпгина машҳур адиблари, хусусан, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Саҳрий, Абдуллоҳ ибн Ҳамид, Абу Саид ибн Шабиб, Абу-л-Ҳасан ибн Маъмун, Абу Абдуллоҳ ат-Тоҳир, Иброҳим ар-Раққоний каби шоирлар шеърини девонлар, қасида ва мадҳиялар ёзганлар. Бадий ижод шайдоси вазир ас-Саҳлий ўзи шеър ёзишдан ташқари саройдаги адабий мушоираларни ҳам ҳар тарафлама қўллаб-қувватлар эди. Бу даврда Хоразмда бир қанча тилшунослар ҳам ижод этганлар. Улар ўша даврнинг илмий тили бўлган араб тили грамматикасини бир тизимга солиб, лугат ва тил ўрганиш бўйича асарлар яратганлар (Abduhalimov B., 2005:8).

XI-XII асрларда Хоразмда ислом дини ва ҳанафийликнинг Хоразмда ва унинг ташқарисида, яъни атрофдаги туркий халқлар (Mukhamedov Nematullo, 2020:4-15) орасида кенг ёйилишида Хоразмшоҳлар, айниқса Абу-л-Музаффар Отсизнинг саъй-ҳаракатлари ва роли катта бўлган. Келтирилган далиллар XI-XII асрларда Хоразмдаги илмий муҳитнинг ривожланишига аввалдан замин мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Буюк ипак йўли устида жойлашган, йирик тамаддун ўчоқларидан бири, Маъмун академияси ватани – Хоразм қадимдан илмий-маърифий ва маданий марказлардан бири бўлган. Шу боис ҳам Абу-л-Муайяд ал-Хоразмий каби илм ахллари ўзларининг ҳар томонлама билимларини ошириш ва муҳим диний-ижтимоий масалаларни ҳал қилишга хизмат қилувчи асарларини ёзишга муваффақ бўлдилар. Хоразм Мовароуннаҳрда ислом дини (Mukhamedov Nematullo, 2019:7-14), хусусан, ҳанафийликнинг тарқалиши ҳамда ривожланишида муҳим аҳамият касб этган марказлардан бўлган. Бунга унда мавжуд мустаҳкам илмий замин асос бўлган.

ХУЛОСА

XI-XII асрлардаги Хоразмнинг тарихий ва маданий ҳолати, шу даврга тегишли асарлар таҳлили натижасида ислом динининг Хоразмга кириб келиши Мовароуннаҳрнинг бошқа минтақаларидан бироз фарқлироқ бўлганини кўрсатади.

Хоразмнинг милoddан аввалги II минг йилликдан бошлаб ушбу минтақадаги йирик маданият марказларидан бири бўлиб келгани боис, Араб халифалиги бу ерни забт этиб, имкон қадар кўпроқ ўз тасарруфида сақлашга ҳаракат қилган. Аммо XII асрда Хоразм Бағдод халифалигига қарашли ерлардан ҳисобланса-да, Мовароуннаҳрда

ўзининг кучли таъсирига эга бўлган. Бунда хоразмшоҳларнинг ўрни таъсирли бўлган.

Хоразмшоҳлар тарихида фақат ўзининг манфаатларини ўйлаб, жамиятнинг фикри билан мутлақо қизиқмайдиган ва бу ҳақда бош қотирмайдиган, халқнинг аҳволига ачинмайдиган, узокни кўра олмайдиган айрим иқтидорсиз давлат бошлиқлари фаолияти оқибатида мамлакат гирифтор бўлган аянчли хотималарга гувоҳ бўлиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

- Абу Райхон ал-Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. -Т. И. / Арабчадан А.Расулов таржимаси. Масъул муҳаррир И.Абдуллаев (1968). -Т.: Фан. -Б. 301.
- Бартольд В.В. (1964). Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии: Сочинения. – Т. III. – Част 2. – М.: Наука. – 657 с.
- Бартольд В.В. (1963). Туркестан в эпоху монгольского нашествия: Сочинения. Т. II. – М.: Издательство Восточной литературы. – 760 с.
- Босворт К. (2007). Мусулмон сулолалари. Ўйилнома ва шажаралар бўйича маълумотнома. Изоҳлар билан таржимаси. – Т.: Фан. – 270 б.
- Босворт К.Э. (1971). Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. Пер. с англ. П.А.Грязневича. – М.: Наука. – 324 с.
- Бунятов З.М. (1986). Государство хорезмшахов-ануштегинидов. 1097-1231. – М.: Наука. – 248 с.
- Gafurova, I. M. (2020). The Samanids mausoleum as a monument of dynastic architecture of the early middle ages. ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81). P. 329-334.
- Gafurova, Irodaxon (2020) "ROLE OF WAQF PROPERTIES IN THE HISTORY OF TURKESTAN," The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 3, Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss3/7>.
- BEKMIRZAEV, Ilhomjon and Gafurova, Irodaxon (2021) "THE IMPACT OF ISLAM ON SOCIOPOLITICAL AND SPIRITUAL LIFE IN CENTRAL ASIA," The Light of Islam: Vol. 2021: Iss. 1, Article 1. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2021/iss1/1>
- Гибб Х. (1960). Арабская литература (классический период). – М.: Издательство восточной литературы. – 187 б.
- Daminov, B. (2019). ACTUAL PROBLEMS OF MODERN ARABIC LANGUAGE. The Light of Islam, 2019(4), 20.
- Dusmatov Sanjar. (2020). THE GREAT ALLOMA OF KHOREZM. Archive of Conferences, 9(1), 90-91.
- Dusmatov S.T. (2019) The role of Mahmood Zamakhshari in the development of Arabian Language grammar. Вестник современных исследований. ОМСК, - 2019. Том 4, С. 14-16.
- Zinatullayev, Z. (2022). Pre-Islamic religions in Central Asia and their influence on social and political life. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (116), 1071-1076. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-89> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.89>
- Ganiyev, A., & Zinatullayev, Z. (2020). TAX AND ZAKAT COLLECTION SYSTEM OF THE BUKHARA EMIRATE DURING THE 19TH CENTURY. Theoretical & Applied Science, (10), 313-317. https://www.researchgate.net/profile/AvazbekGaniyev/publication/346506968_TAX_AND_ZAKAT_COLLECTION_SYSTEM_OF_THE_BUKHARA_EMIRATE_DURING_THE_19TH_CENTURY/links/5fc9bc31a6fdcc697bdb887a/TAXAND-ZAKAT-COLLECTION-SYSTEM-OF-THE-BUKHARA-EMIRATE-DURING-THE-19TH-CENTURY.pdf 4
- Kazakbaev, A. (2020, November). THE LATEST TERMS THAT HAVE ENTERED THE ARABIC LANGUAGE THROUGH THE PROGRESS OF SCIENCE AND TECHNOLOGY. In Archive of Conferences (Vol. 9, No. 1, pp. 92-93)
- İbrahim Kafesoğlu (1992) Harezmsahlar devleti tarihi (485-618//1092-1221). – Ankara: Türk tarih kurumu basimevi. – Б. 43.
- Ирисов А. (1980). Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. – Т.: Фан. – Б. 57-58.
- Islomov, Z. (2018). International Islamic Academy of Uzbekistana result of the reforms worth to the centuries. The Light of Islam, 2018(1).
- Islomov, Zohidjon (2019). The role of the International islamic academy of Uzbekistan in the development of islamic studies. The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 1 , Article7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2019/iss1/1>
- Ismailova Yulduz. (2020). TO THE QUESTION OF STUDYING THEORETICAL METHODOLOGICAL ASPECTS OF HISTORICAL SCIENCE IN UZBEKISTAN. Archive of Conferences, 9(1), 209-211.
- Matibaeva, R. (2019). Sacralization and traditionalization of personality Abu Khanifa in Mavarannahr. The Light of Islam, 2019(4), 3.
- MATIBAYEVA, R. (2019). The development of khanaphism in Mavarannakhr. The Light of Islam, 2019(3), 16.
- Матибаева, Р. Б. (2020). Научно-духовное наследие имама Абу Ханифы. Молодой ученый, (42), 282-284.
- Matibaeva, R. (2021). IMAM ABU HANIFA AND THEORY OF KNOWLEDGE. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(11), 600-602
- Matibayeva, R. B., & Islomov, Z. (2020). Relationship of Religion and Tradition in Central Asia. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Reviewed Open Access International Journal, 9(12), 92-96.
- Matibayeva, R. B., Islomov, Z. M., FUZAILOVA, G. S., & Muhamedov, N. A. (2021). Manuscript Of Al-Khorezmi «Manakib Abi Khanifa. PSYCHOLOGY AND EDUCATION, 58(1), 2436-2445.
- Матибаева Р. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» // Молодой ученый.

- 2019. — No36. — С. 71-74. <https://moluch.ru/archive/274/62293/>.
29. Mukhamedov Nematullo (2020) “ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAHA) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION,” *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 1. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss3/1_P.4-15
 30. Mukhamedov Nematullo (2019) “The role of the Sheikh Zayniddin complex in the spiritual life of Tashkent” // Multidisciplinary scientific journal “Arhivarius” collection of scientific publications. -P.7-14. <https://www.researchgate.net/publication/333985613>.
 31. Maxamadxodjaev, B. (2020). THE RISE OF TRANSLATION SCHOOLS IN CENTRAL ASIA. *The Light of Islam*, 2020(4), 78-87.
 32. Samatkhonovich, G. S., Ashurovich, K. M., & Murodjon Ugli, A. M. M. (2021). The Entry And Development Of The Science” *Usul Al-Fiqh*” In *Mawarounnahr. Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(6). 6735-6741. [The Entry And Development Of The Science “Usul Al-Fiqh” In Mawarounnahr | Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry \(tojqi.net\)](https://www.researchgate.net/publication/358111111)
 33. Sodikov, J. (2022). Analysis of religions and beliefs in Imam Moturidi’s “Ta’wilat Ahli-s-Sunnah”. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (116), 1064-1067. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-87> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.87>.
 34. Tokhtiev, Sh. R. (2022). The role of the Islamic Republic of Iran in the Middle East at the end of the 20th century. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (116), 1068-1070. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-88> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.88>
 35. Xorazm Ma’mun akademiyasi / Mas’ul muharrir B.A.Abdulhalimov. – T.: FAN, 2005. – B. 5-12.
 36. Weinberger J. (1986). The Authorship of Two Twelfth Century Transoxanian Biographical Dictionaries // *Arabica*. – № 33. – B. 369-382.
 6. Buniyatov Z.M. (1986). *Gosudarstvo xorezmshaxov-anushteginidov. 1097-1231*. – M.: Nauka. – 248 s.
 7. Gafurova, I. M. (2020). The Samanids mausoleum as a monument of dynastic architecture of the early middle ages. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 01 (81). P. 329-334.
 8. Gafurova, Irodaxon (2020) “ROLE OF WAQF PROPERTIES IN THE HISTORY OF TURKESTAN,” *The Light of Islam*: Vol. 2020: Iss. 3, Article 7. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss3/7>.
 9. BEKMIRZAEV, Ilhomjon and Gafurova, Irodaxon (2021) “THE IMPACT OF ISLAM ON SOCIOPOLITICAL AND SPIRITUAL LIFE IN CENTRAL ASIA,” *The Light of Islam*: Vol. 2021: Iss. 1, Article 1. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2021/iss1/1>
 10. Gibb. X. (1960). *Arabskaya literatura (klassicheskiy period)*. – M.: Izdatel'stvo vostochnoy literatury. – 187 b.
 11. Daminov, B. (2019). ACTUAL PROBLEMS OF MODERN ARABIC LANGUAGE. *The Light of Islam*, 2019(4), 20.
 12. Dusmatov Sanjar. (2020). THE GREAT ALLOMA OF KHOREZM. *Archive of Conferences*, 9(1), 90-91.
 13. Dusmatov S.T. (2019) The role of Mahmood Zamakhshari in the development of Arabian Language grammar. *Вестник современных исследований. Омск*, - 2019. Том 4, С. 14-16.
 14. Zinatullayev, Z. (2022). Pre-Islamic religions in Central Asia and their influence on social and political life. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (116), 1071-1076. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-89> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.89>
 15. Ganiyev, A., & Zinatullayev, Z. (2020). TAX AND ZAKAT COLLECTION SYSTEM OF THE BUKHARA EMIRATE DURING THE 19TH CENTURY. *Theoretical & Applied Science*, (10), 313-317. https://www.researchgate.net/profile/AvazbekGaniyev/publication/346506968_TAX_AND_ZAKAT_COLLECTION_SYSTEM_OF_THE_BUKHARA_EMIRATE_DURING_THE_19TH_CENTURY/links/5f9bc31a6fdcc697bdb887a/TAXAND-ZAKAT-COLLECTION-SYSTEM-OF-THE-BUKHARA-EMIRATE-DURING-THE-19TH-CENTURY.pdf
 16. Kazakbaev, A. (2020, November). THE LATEST TERMS THAT HAVE ENTERED THE ARABIC LANGUAGE THROUGH THE PROGRESS OF SCIENCE AND TECHNOLOGY. In *Archive of Conferences* (Vol. 9, No. 1, pp. 92-93).
 17. İbrahim Kafesoğlu (1992) *Harezmşahlar devleti tarihi (485-618/1092-1221)*. – Ankara: Türk tarih kurumu basımevi. – B. 43.
 18. Irisov A. (1980). Abu Ali ibn Sino hayoti va ijodiy merosi. – T.: «Fan». – B. 57-58.
 19. Islomov, Z. (2018). International Islamic Academy of Uzbekistana result of the reforms worth to the centuries. *The Light of Islam*, 2018(1).

REFERENCES:

1. Abu Ra'yhon al-Beruniy. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar. Tanlangan asarlar. -T. I. / Arabchadan A.Rasulov tarjiması. Mas'ul muharrir I.Abdullaev (1968). -T.: Fan. -B. 301.
2. Bartold. V.V. (1964). *Raboti po otdelnim problemam istorii Sredney Azii: Sochineniya*. – T. II. – Chast 2. – M.: Nauka. – 657 s.
3. Bartold. V.V. (1963). *Turkestan v epoxu mongolskogo nashestviya: Sochineniya*. T. I. – M.: Izdatel'stvo Vostochnoy literatury. – 760 s.
4. Bosvort K. (2007). *Musulmon sulolalari. Yilnoma va shajaralar bo'yicha ma'lumotnoma. Izohlar bilan tarjiması*. – T.: FAN. – 270 b.
5. Bosvort K.E. (1971). *Musul'manskıe dinastii. Spravochnik po xronologii i genealogii*. Per. s angl. P.A.Gryaznevicha. – M.: Nauka. – 324 s.

20. Islomov, Zohidjon (2019) «The role of the International islamic academy of Uzbekistan in the development of islamic studies», *The Light of Islam*: Vol. 2019: Iss. 1, Articlert. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss1/1>
21. Ismailova Yulduz. (2020). TO THE QUESTION OF STUDYING THEORETICAL METHODOLOGICAL ASPECTS OF HISTORICAL SCIENCE IN UZBEKISTAN. *Archive of Conferences*, 9(1), 209-211.
22. Matibaeva, R. (2019). Sacralization and traditionalization of personality Abu Khanifa in Mavarannahr. *The Light of Islam*, 2019(4), 3.
23. MATIBAYEVA, R. (2019). The development of khanaphism in Mavarannakhr. *The Light of Islam*, 2019(3), 16.
24. Матибаева, Р. Б. (2020). Научно-духовное наследие имама Абу Ханифы. *Молодой ученый*, (42), 282-284.
25. Matibaeva, R. (2021). IMAM ABU HANIFA AND THEORY OF KNOWLEDGE. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(11), 600-602.
26. Matibayeva, R. B., & Islomov, Z. (2020). Relationship of Religion and Tradition in Central Asia. *International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Reviewed Open Access International Journal*, 9(12), 92-96.
27. Matibayeva, R. B., Islomov, Z. M., FUZAILOVA, G. S., & Muhamedov, N. A. (2021). Manuscript Of Al-Khorezmi «Manakib Abi Khanifa. *PSYCHOLOGY AND EDUCATION*, 58(1), 2436-2445.
28. Матибаева Р. (2019) Редкая рукопись по ханафизму «Манакиб Аби Ханифа» // Молодой ученый. — 2019. — No36. — С. 71-74. <https://moluch.ru/archive/274/62293/>.
29. Mukhamedov Nematullo (2020) “ACTIVITIES OF SCHOLARS OF ISLAMIC LAW (FUQAHA) FROM SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION,” *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 1. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2020/iss3/1 P. 4-15>.
30. Mukhamedov Nematullo (2019) “The role of the Sheikh Zayniddin complex in the spiritual life of Tashkent” // Multidisciplinary scientific journal “Arhivarius” collection of scientific publications. -P.7-14. <https://www.researchgate.net/publication/333985613>.
31. Maxamadxodjaev B. (2020). THE RISE OF TRANSLATION SCHOOLS IN CENTRAL ASIA. *The Light of Islam*, 2020(4), 78-87.
32. Samatkhonovich, G. S., Ashurovich, K. M., & Murodjon Ugli, A. M. M. (2021). The Entry And Development Of The Science” Usul Al-Fiqh” In Mawarounnahr. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(6). 6735-6741. [The Entry And Development Of The Science “Usul Al-Fiqh” In Mawarounnahr | Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry \(tojqi.net\)](https://www.turkishonlinejournalofqualitativeinquiry.com/index.php/tojq/article/view/10000)
33. Sodikov, J. (2022). Analysis of religions and beliefs in Imam Moturidi’s “Ta’wilat Ahli-s-Sunnah”. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (116), 1064-1067. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-87> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.87>.
34. Tokhtiev, Sh. R. (2022). The role of the Islamic Republic of Iran in the Middle East at the end of the 20th century. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 12 (116), 1068-1070. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-12-116-88> Doi: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2022.12.116.88>
35. Xorazm Ma'mun akademiyasi / Mas'ul muharrir B.A.Abdusalimov. – T.: FAN, 2005. – B. 5-12.
36. Weinberger J. (1986). The Authorship of Two Twelfth Century Transoxanian Biographical Dictionaries // *Arabica*. – № 33. – B. 369-382.